O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING QARORI

2021 - yil 18 - avgust 165-14-0-Q/21 Toshkent shahar hokimligi

Тошкент шаҳрида кўчмас мулк объектлари манзиллари муниципал реестрини шакллантириш ва юритиш чора-тадбирлари тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда) асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 мартдаги ПҚ-4642-сонли қарори билан тасдиқланган 2020-2021 йилларда жорий этиладиган ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар рўйхати 30-банди (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2020 йил 18 март) ижросини таъминлаш ҳамда Тошкент шаҳрида кўчмас мулк объектлари манзиллари муниципал реестрини шакллантириш ва юритишни таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Рақамли ривожланиш департаменти” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда Департамент деб аталади) буюртмасига асосан Кўчмас мулк объектлари манзиллари муниципал реестрини юритишга мўлжалланган “GARMONIYA” муниципал ахборот тизими (кейинги ўринларда Муниципал ахборот тизими деб аталади) ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2.Тошкент шаҳрида кўчмас мулк объектлари манзилларини белгилаш, ўзгартириш ва мавжудлигини бекор қилиш тўғрисидаги Низом 1-иловага ва Тошкент шаҳрида кўчмас мулк объектлари манзилларини меъёрлаштириш (нормаллаштириш) бўйича ишларни олиб бориш тўғрисидаги Йўриқнома 2-

иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, Департамент Тошкент шаҳрида кўчмас мулк объектлари муниципал реестрининг (кейинги ўринларда Реестр деб аталади) маъмури ҳисобланиб, Кадастр агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси билан биргаликда:

Реестрни шакллантиради ва юритади;

кўчмас мулк объектлари манзилларини белгилаш, уларни ўзгартириш ва мавжудлигини бекор қилиш ҳамда Реестрга ўзгартиришлар киритишни назорат қилади;

ахборот бериш ва Реестрдан фойдаланиш тартибини тасдиқлайди.

4. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари – “Рақамли ривожланиш департаменти” МЧЖ (С.Абдуллаев), Кадастр агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси (Б.Ташходжаев) билан биргаликда Реестрни бирламчи шакллантириш мақсадида икки ой муддатда:

манзиллар ҳақидаги маълумотларни Кўчмас мулк объектлари давлат реестридан конвертация қилинишини;

маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий-ҳудудий бирликлари ягона реестридан олиб киритилишини;

манзилларни асосий иморатлар почта кодлари (индекслари) билан тўлдириш бўйича ишларни олиб борилишини;

маълумотларни манзиллар ҳақида ишончли ахборотга эга бўлган бошқа манбалардан олиб киритилишини таъминласин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари – “Рақамли ривожланиш департаменти” МЧЖ (С.Абдуллаев):

бир ой муддатда Реестр ва Кадастр агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармасининг идоравий ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларининг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги технологик йўриқномани тасдиқлаш;

мазкур қарор 2-банди билан тасдиқланган Низом талабларига мувофиқ, Тошкент шаҳрида кўчмас мулк объектлари манзилларини белгилаш, ўзгартириш, мавжудлигини бекор қилиш, Реестрни юритиш ҳамда яратилган муниципал ахборот тизимида ишлаш бўйича Кадастр агентлигининг

Тошкент шаҳар бошқармаси ва унинг туман филиалларида ўқув семинарларини ташкил этиш;

Реестрни кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестри ва Географик объектларнинг номлари Давлат реестри маълумотлар базаларига босқичма-босқич интеграция қилиш;

Реестрдан фойдаланиш йўли билан идоралараро ўзаро ҳамкорлик тизимини такомиллаштириш учун шарт-шароитлар яратилишини таъминласин.

6. Кадастр агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси (Б.Ташходжаев) Реестрни бирламчи шакллантириш жараёнида:

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2021 йил 22 февралдаги “Тошкент шаҳрининг таркибий қисмларига оид географик объектларнинг номларини тартибга келтириш тўғрисида”ги 221-сон қарори билан ўтказилаётган Тошкент шаҳрининг таркибий қисмларига оид географик объектларни хатловдан ўтказиш натижаларини инобатга олган ҳолда Тошкент шаҳрида кўчмас мулк объектлари манзилларини мазкур қарорнинг 2-банди билан тасдиқланган Низом ва Йўриқнома талаблари асосида меъёрлаштириш;

меъёрлаштириш натижасида манфаатдор шахсларни манзилнинг ўзгартирилиши ҳақида тегишли тартибда хабардор қилиш ишларини амалга оширсин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими (А.Ахмаджонов):

мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари С.Абдуллаев зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими **ARTIKXODJAYEV J. A.**

Тошкент шаҳар ҳокимининг
2021 йил 18 августдаги
165-14-0-Q/21-сон қарорига
1-илова

Тошкент шаҳрида кўчмас мулк объектлари манзилларини белгилаш, ўзгартириш, мавжудлигини бекор қилиш тўғрисидаги

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Низом Тошкент шаҳрида Кўчмас мулк объектлари манзиллари муниципал реестрини (кейинги ўринларда Реестр деб аталади) шакллантириш ва юритиш ҳамда манзилларни белгилаш, ўзгартириш ва мавжудлигини бекор қилиш тартибини белгилайди.

1.2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Кўчмас мулк объектлари манзиллари муниципал реестри (классификатор) – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 мартдаги “Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4642-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган “Рақамли Тошкент” комплекс дастури ахборот ресурсининг ер участкалари, бинолар, иншоотлар, иморатлар, автомобиль сақлаш жойлари ва гаражлар ҳақидаги геофазовий боғланган манзил тўғрисидаги маълумотларини ўз ичига олган бир қисми.

манзил — кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақида тузилган битимларнинг давлат реестрида рўйхатга олинган ёки рўйхатга олинмаган кўчмас мулк объектлари — ер участкалари, бинолар ва иншоотлар, қурилиши тугалланмаган иморатлар, шу жумладан, қурилаётган, алоҳида ажратилган жойлар, автомобиль сақлаш жойлари (чизиқли иншоотлар бундан мустасно) (кейинги ўринларда объектлар деб аталади) жойлашган жойни бир хил идентификациялайдиган элементларнинг ноёб йиғиндиси;

манзил харитаси — Реестрнинг объектлар жойлашуви ҳақида геофазовий ахборотни, шунингдек, бошқа геофазовий боғланган ахборотни ўз ичига олган бир қисми;

объектнинг ички манзили (кейинги ўринларда ички манзил деб

аталади) — объектнинг маъмурий-ҳудудий ёки ҳудудий бирлик ҳудудида жойлашувини тавсифловчи манзилнинг таркибий элементи;

геокод — берилган координаталар тизимида объектнинг фазовий жойлашувини идентификация қилувчи маълумотлар йиғиндиси бўлиб, улар объектни уни маълум бўлган координаталар ёрдамида топиш имконини берадиган географик жойга боғлаб қўйишни назарда тутади;

ер участкаси — ер юзасининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда бошқа хусусиятларга эга бўлган қисми;

қурилган ер участкаси — асосий иморат (бино, иншоот), тугалланмаган қурилиш жойлашган ер участкаси;

манзилларни меъёрлаштириш — амалдаги манзилларни ушбу Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1010-сон қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ тартибга солиш;

кўчмас мулк объектлари — ер участкалари, бинолар ва иншоотлар, қурилиши тугалланмаган иморатлар, шу жумладан, қурилаётган, алоҳида ажратилган жойлар, автомобиль сақлаш жойлари ва гаражлар;

кўча-йўл тармоғи элементлари (кейинги ўринларда кўча-йўл тармоғи элементлари деб аталади) — кўчалар, тор кўчалар, ўтиш йўллари, берк кўчалар, қияликлар, кириш йўллари, истироҳат боғлари, хиёбонлар, мавзелар, шоҳ кўчалар, магистраллар, майдонлар, бульварлар, катта йўллар, соҳилбўйи, автомобиль йўллари ва шунга ўхшаш объектлар.

1.3. Тошкент шаҳрида Реестр геофазовий боғланган (географик маълумотларнинг ягона базасида бўлган) кўчмас мулк объектлари манзиллари ҳақида электрон шаклдаги маълумотларни ўз ичига олган “Рақамли Тошкент” комплекс дастурининг ягона ахборот базаси ҳисобланади.

1.4. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Рақамли ривожланиш департаменти” масъулияти чекланган жамияти Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг (кейинги ўринларда Кадастр агентлиги деб аталади) Тошкент шаҳар бошқармаси

билан биргаликда Тошкент шаҳрида:

Реестрни шакллантиради ва юритади;

кўчмас мулк объектларига манзилларни белгилаш, уларни ўзгартириш ва мавжудлигини бекор қилиш ҳамда Реестрга ўзгартиришлар киритишни назорат қилади;

ахборот бериш ва Реестрдан фойдаланиш тартибини тасдиқлайди.

1.5. Кадастр агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармасининг ҳудудий филиаллари (кейинги ўринларда ҳудудий филиаллар деб аталади) манзилларни белгилаш, ўзгартириш, мавжудлигини бекор қилиш субъектлари ҳисобланади.

1.6. Кўчмас мулк объектлари манзилларини белгилаш, ўзгартириш, мавжудлигини бекор қилиш ҳудудий филиаллар томонидан амалга оширилади.

Тошкент шаҳрида кўчмас мулк объектлари манзилларини белгилаш, ўзгартириш, мавжудлигини бекор қилиш ушбу Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1010-сон қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ амалга оширилади.

1.7. Кўчмас мулк объектлари манзилларини белгилаш, ўзгартириш, мавжудлигини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотлар 3 иш куни мобайнида ҳудудий филиаллар томонидан Реестрга киритилади.

Тегишли маълумотларни Реестрга киритмасдан, кўчмас мулк объектлари манзилларини белгилаш, ўзгартириш, мавжудлигини бекор қилишга йўл қуйилмайди.

Кўчмас мулк объектлари манзилларини белгилаш, ўзгартириш, мавжудлигини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотлар 2 иш куни мобайнида Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрига юборилади.

1.8. Ушбу Низом кучга киргунга қадар кўчмас мулк объектларининг белгиланган ва Реестрга киритилган манзиллари ҳақиқий ҳисобланади ва янги ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланиши талаб этилмайди.

1.9. Манзилларни меъёрлаштириш:

манфаатдор шахснинг ташаббуси билан;

халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман Кенгашларининг қарорларига кўра;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Манзилларни меъёрлаштиришни манзилларни етишмаётган элементлар билан тўлдириш ва (ёки) манзил тузилмасини тартибга солиш, шунингдек, манзил элементларини ўзгартириш йўли билан амалга ошириш мумкин.

1.10. Манзилнинг тузилмаси кўчмас мулк объектининг турига қараб қуйидаги манзилни шакллантирувчи элементларининг кетма-кетлигини ўз ичига олади (кейинги ўринларда манзилнинг тузилмаси деб аталади):

1.10.1. почта коди (индекс);

1.10.2. давлат номи (Ўзбекистон Республикаси);

1.10.3. маъмурий-ҳудудий мансублик (Тошкент шаҳри ва унинг тегишли тумани);

1.10.4. кўча-йўл тармоғи элементи тоифаси ва номининг қисқа белгиси;

1.10.5. кўчмас мулк объектининг рақами;

1.10.6. иморат рақами индекси ва (ёки) унинг корпуси рақами (агар бўлса);

1.10.7. геокод.

1.11. Манзил қуйидаги қўшимча маълумотларни ўз ичига олиши мумкин:

маҳалланинг номи;

турар жой мажмуалари, савдо марказлари, бозорлар, истироҳат боғлари ва бошқа шу каби объектлар номлари;

объектнинг турган жойини идентификациялаш имконини берадиган бошқа фазовий мўлжаллар.

1.12. Манзил тузилмасида бир вақтнинг ўзида “Маъмурий-ҳудудий мансублик” ва “Кўча-йўл тармоғи элементи” номлари йўқлигига йўл

қўйилмайди.

1.13. Кўчмас мулк объектига манзил белгиланиши жисмоний ва юридик шахсларнинг кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни пайдо бўлиши ёки тугатилишига олиб келмайди. Кўчмас мулкларни яратиш, фойдаланишга топшириш ва улардан фойдаланиш, уларга манзилларни белгилаш, ўзгартириш, мавжудлигини бекор қилишдан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

2-боб. Манзилларни белгилаш тартиби

2.1. Радиал йўналишдаги кўчаларда жойлашган кўчмас мулк объектлари Тошкент шаҳри марказидан четга қараб кўчанинг чап томонидан тоқ рақамлар билан ва ўнг томонидан жуфт рақамлар билан изчил кетма-кетликда рақамланади.

2.2. Айланма йўналишдаги кўчаларда жойлашган кўчмас мулк объектлари соат стрелкаси йўналиши бўйлаб (Тошкент шаҳри марказидан йўналиш олганда) кўчанинг чап томонидан тоқ рақамлар билан ва ўнг томонидан жуфт рақамлар билан изчил кетма-кетликда рақамланади.

2.3. Иморатнинг мавзе тизимида жойлашган кўчмас мулк объектлари (мавзелар, микротуманлар) мавзега кирадиган асосий йўл тортилган кўчадан бошлаб транспорт ҳаракати йўналишида ортиб борувчи тартибда кўчанинг чап томонидан тоқ рақамлар билан ва ўнг томонидан жуфт рақамлар билан рақамланади.

2.4. Майдон периметрини ҳосил қиладиган кўчмас мулк объектлари Тошкент шаҳри маркази томонидаги кўчадан бошлаб соат стрелкаси йўналишида кўчанинг чап томонидан тоқ рақамлар билан ва ўнг томонидан жуфт рақамлар билан изчил кетма-кетликда рақамланади.

2.5. Объектни ушбу Низомнинг 2.1. — 2.4.-бандларига мувофиқ рақамлаш имкони бўлмаган тақдирда, рақамлаш дунё қисмлари бўйича (тегишлича ғарбдан шарққа ёки шимолдан жанубга) амалга оширилади.

2.6. Изчил кетма-кет (тоқ ёки жуфт) рақамли манзилларга эга иккита иморат ўртасида қурилган кўчмас мулк объектлари кўрсатилган асосий

иморатлардан биринг кичикроқ рақамини унга индекс қўшган ҳолда бериш йўли билан рақамланади, ушбу Низомнинг 2.8.-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

2.7. Иморатнинг ичкарисида қурилган кўчмас мулк объектлари асосий фасади кўчага қараган, ўз манзилига эга бўлган асосий иморатлардан биринг рақамини унга индекс қўшган ҳолда бериш йўли билан рақамланади, ушбу Низомнинг 2.12.-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

2.8. Асосий иморатга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган кўчмас мулк объектлари (хизмат кўрсатувчи иморатлар, ҳовлидаги иншоотлардан ташқари) асосий иморат рақамига (агар бўлса — индекси билан) корпус рақамини қўшиш йўли билан рақамланади.

Ер участкасида ўз вазифаси, меъморий белгиларига кўра бир хил бир нечта кўчмас мулк объектлари бўлиб, уларнинг асосийсини аниқлаш имкони бўлмаган тақдирда, асосий иморат сифатида кириш йўли ташкил қилинган кўча-йўл тармоғи элементига энг яқин жойлашган иморат қабул қилинади. Қолган иморатлар соат стрелкаси йўналиши бўйлаб ҳамда ҳудуддаги ҳаракат йўналишига қараб асосий иморат рақамига (агар бўлса — индекси билан) корпус рақамини қўшган ҳолда рақамланади ёҳуд мустақил тартиб рақами бериш йўли билан рақамланади.

2.9. Кўчалар кесишмасида жойлашган кўчмас мулк объектлари (бурчакдаги бинолар ва иншоотларга) битта ички манзил билан белгиланади. Бу ҳолда ички манзил асосий иморатга кириш йўли ташкил қилинган кўча бўйича белгиланади. Бир неча кўчадан кириш йўллари бўлганда ички манзил бинонинг асосий фасадга қараган кўча бўйича белгиланади. Бир нечта бир хил фасадлар бўлганда ички манзил кўчаларнинг исталган бири бўйича белгиланади.

Ушбу Низом кучга киргунга қадар ҳар бир кесишувчи кўча бўйича рақамлар берилган бурчакда жойлашган кўчмас мулк объектлари берилган рақамлар сонига қараб бир нечта ички манзилларга эга бўлади.

2.10. Мавжудлиги бекор қилинган объектнинг ички манзили унинг ўрнига қурилган худди шундай турдаги объектга, ушбу Низомнинг 2.1. – 2.8.- бандларида кўрсатилган меъёрларни ҳисобга олган ҳолда такроран берилади.

2.11. Алоҳида ажратилган хоналар қурилиш лойиҳасида белгиланган тартибда рақамланади.

Агар лойиҳада рақамлаш белгиланмаган бўлса ёки у бўлмаса, рақамлаш асосий иморатнинг чапдаги энг чекка кириш йўлидан ўнгдаги энг чекка кириш йўлигача, бинонинг пастки қаватидан бошланади. Битта қават доирасида, кириш йўли бўлган тақдирда эса — кириш йўли қавати доирасида чапдан ўнгга қараб рақамланади. Алоҳида ажратилган хоналарга тоқ рақамлар йўлакнинг чап томонидан ва жуфт рақамлар йўлакнинг ўнг томонидан берилишига йўл қўйилади.

Кўп даражали алоҳида ажратилган хоналар бинонинг пастки қавати бўйича бир даражали алоҳида ажратилган хоналар қандай рақамланган бўлса, шундай рақамланади.

Турар жойларда савдо, умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ташкил қилиш ва носаноат тусидаги эҳтиёжлар учун бириктириб ёки қўшимча қилиб қурилган жойлар ушбу банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида кўрсатилган қоидаларга мувофиқ алоҳида ажратилган турар жойларга рақамлар берилгандан кейин рақамланади.

Бурчакдаги бинода жойлашган, бевосита бинога туташ ҳудуддан кириладиган ва ушбу Низом кучга киргунга қадар ҳар бир кесишувчи кўча бўйича рақамлар берилган блокланган турар жой бўлган иншоотда жойлашган алоҳида жойга асосий иморатнинг ҳар бир кесишувчи кўча бўйича ички манзиллари берилади.

2.12. Кўчмас мулк объекти ёки алоҳида жой бўлиб юборилганда, объектларнинг бўлиниши натижасида ҳосил бўлган алоҳида жойларнинг биттаси бўлинган объектнинг рақамини сақлаб қолади. Бўлиниш натижасида ҳосил бўлган қолган объектларга бўлинган объект рақами индекс қўшилган ҳолда берилади.

Асосий иморатлар бўлинган тақдирда уларда жойлашган алоҳида ажратилган жойларнинг қайта рақамланишига йўл қўйилади.

Агар алоҳида ажратилган жойни бўлиш натижасида кўп миқдорда алоҳида жойлар ҳосил бўлса, уларга бинода ва иншоотда жойлашган алоҳида жойларнинг бирига аввал берилган охирги рақамдан кейинги тартиб рақамлари берилади ёки алоҳида ажратилган жойларнинг аввалги рақамлари

ўзгартирилиб қайта рақамланади.

2.13. Асосий объектлар ёки алоҳида жойлар қўшилганда қўшилиш натижасида ҳосил бўлган объектга мавжудлиги тўхтатилган объектлардан бирининг энг кичик тартиб рақами берилади.

Битта бинода жойлашган алоҳида ажратилган жойларнинг рақамлари такрорланишига йўл қўйилмайди, ушбу Низомнинг 2.6. – 2.7-бандлари ҳамда 2.12.-бандининг биринчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Асосий иморатлар қўшиб юборилганда мавжудлиги тўхтатилган объектда жойлашган ва энг юқори тартиб рақамига эга бўлган алоҳида жойлар ушбу Низомнинг 2.12.-бандида назарда тутилган тартибда кейинги тартиб рақамидан бошлаб қайта рақамланади.

2.14. Асосий иморатга бириктириб, қўшимча қилиб қурилган алоҳида ажратилган жойлар ушбу Низомнинг 2.12.-бандига мувофиқ бино ёки иншоотда алоҳида ажратилган хонага аввал берилган энг катта рақамдан кейинги тартиб рақамидан бошлаб рақамланади. Алоҳида ажратилган жойларнинг жойлашувини аниқ идентификация қилиш мақсадида уларни қайта рақамлашга ёки ҳосил бўлган алоҳида ажратилган жойларни битта қават ёки асосий иморат кириш йўли доирасида аввал берилган энг катта сондан кейинги тартиб рақамидан бошлаб унга индекс қўшган ҳолда рақамлашга йўл қўйилади.

Қайта қуриш натижасида мавжудлиги тўхтаган алоҳида ажратилган жойлар рақамлари қайта берилмайди, барча алоҳида ажратилган хоналарнинг қайта рақамланиши ҳоллари бундан мустасно.

Бино ва иншоотда аввал ҳосил қилинган алоҳида ажратилган жойлар бўлмаган тақдирда бўлиниш натижасида ҳосил бўлган алоҳида ажратилган жойларга рақамлар ушбу Низомнинг 2.12.-банди биринчи ва учинчи хатбошиларига мувофиқ берилади. Кўчмас мулк объектида аввал ҳосил қилинган алоҳида ажратилган жойлар бўлган тақдирда бўлиниш натижасида ҳосил бўлган алоҳида ажратилган жойларга ушбу бандниг биринчи хатбошига мувофиқ рақамлар берилади.

2.15. Маъмурий бинога, гараж массивида жойлашган назорат-ўтказиш пункти биносига (кейинги ўринларда асосий бино деб аталади) ушбу Низомнинг 2.1. – 2.7., 2.9. ва 2.10.-бандларига мувофиқ асосий иморат рақами (зарур бўлганда индекс билан) берилади.

2.16. Асосий иморат ҳисобланган гараж массиви ҳудудида жойлашган гаражнинг ички манзили асосий бинонинг манзилини ва корпус рақамини (гараж рақамини) ўз ичига олади. Қўшимча маълумотларда «блок» сўзи, бундай гараж жойлашган блок рақами кўрсатилади.

2.17. Алоҳида ажратилган жой бўлган ва гараж кооперативи ҳудудида жойлашган гаражнинг ички манзили асосий бино манзилини, корпус рақамини (гараж жойлашган блок рақамини), гараж рақамини ўз ичига олади. Қўшимча маълумотларда бундай гараж жойлашган кооператив номи кўрсатилади.

2.18. Гараж массивидаги блоклар уларни рақамлаш бўйича мавжуд амалиётдан келиб чиққан ҳолда рақамланади.

Бундай амалиёт бўлмаганда рақамлаш:

гараж массиви ҳудудига кириладиган йўл бўлган энг юқори тоифадаги кўча бўйича биринчи блокдан (бир хил тоифадаги кўчалар бўлганда — уларнинг исталганидан) бошлаб бошланади. Бир неча кўчадан кириш йўллари бўлган тақдирда рақам блок периметрининг энг узун тарафи чиқадиган кўча бўйлаб биринчи блокка берилади. Блок периметрининг энг узун тарафи қайси кўчага чиқишини аниқлаш имкони бўлмаганда эса — рақам исталган кўча бўйлаб берилади.

Ушбу гараж массивида блокларни рақамлаш амалиёти бўлмаса блокларнинг кейинги рақамлари гараж массиви ҳудудига киришдан бошлаб ҳаракат йўналиши бўйича ортиб борувчи тартибда берилади.

Асосий иморат бўлган гаражларга ҳамда алоҳида ажратилган жой бўлган гаражларга рақамлар блокларда белгиланган тартибда тасдиқланган меъморий лойиҳа ёки қурилиш лойиҳасининг тасдиқланган қисмидан келиб чиққан ҳолда ёхуд гараж массивида қўлланиладиган амалиётдан келиб чиқиб берилади. Бундай амалиёт бўлмаган тақдирда бутун гараж массиви учун қарама-қарши рақамлашдан фойдаланилади, у соат стрелкаси йўналиши бўйича изчил кетма-кетликда ёки массив ҳудудига кириш йўлидан бошланиб ҳаракат йўналиши бўйлаб ортиб бориш тартибида амалга оширилади.

Гараж массиви ҳудудида ушбу Низом кучга киргунга қадар индекслар берилган блоклар бор бўлса, бундай блокларга индекслар ўрнига рақамлар берилади.

2.19. Алоҳида турган гаражларнинг ички манзили ушбу Низом билан бинолар ва иншоотларга ички манзилларни белгилаш учун белгиланган қоидаларга мувофиқ берилади.

2.20. Автомобиль сақлаш жойларининг, шу жумладан, бинода жойлашган автомобиль сақлаш жойларининг ички манзили ушбу Низомнинг 2.12. – 2.15.-бандларида алоҳида ажратилган нотурар жойга ички манзилларни белгилаш учун назарда тутилган қоидаларга мувофиқ, улар жойлашган асосий иморатларнинг конструктив хусусиятларини (очиқ, ёпиқ, кўп қаватли бинолар, иншоотлар ва шу каби объектлар) ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

2.21. Манзилнинг рақамли ва корпусли қисмини шакллантиришда араб рақамларидан, индекс қисмида эса лотин алифбосининг қуйидаги ҳарфларидан фойдаланилади: A, B, D, E, F, G, H, I, J, K, L, M, N, P, Q, R, S, T, U, V, X, Y, Z.

Асосий иморат рақами ва асосий иморат корпуси рақами оралиқсиз каср белгиси (/) билан ажратилади. Асосий иморатлар ва алоҳида ажратилган жойлар рақамлари «-» белги билан ажратилади.

3-боб. Манзилни ўзгартириш тартиби

3.1. Қуйидагилар манзилни ўзгартириш учун асос бўлади:

объектнинг маъмурий-ҳудудий мансублиги ўзгариши (ташкил этилиши, ўзгартирилиши, тугатилиши ва шу кабилар);

кўча-йўл тармоғи элементларининг бўлиниши, қўшиб юборилиши;

қурилган ер участкаси чегаралари ўзгарганда қурилган ер участкаси геокодининг ўзгариши (участка кадастр рақами унинг контури чегарасидан чиқиб кетган тақдирда унинг майдонини бўлиш ёки қўшиб юбориш);

қурилган ер участкаси ички манзилининг унда жойлашган бинолар ва иншоотлар ички манзили ўзгариши билан боғлиқ ўзгариши;

қурилган ер участкаси ички манзилининг унда жойлашган тугалланмаган қурилишлар манзиллари мавжудлиги бекор қилиниши билан боғлиқ ўзгариши, ер участкасининг қурилганлигича қолиши шарти билан;

бинолар ва иншоотлардаги алоҳида ажратилган хоналар ички манзилларининг уларнинг бўлиниши, қўшилиши муносабати билан ўзгариши;

қурилган ер участкалари, бинолар, иншоотлар манзилларининг уларнинг бўлиниши, қўшиб юборилиши муносабати билан ўзгариши;

алоҳида ажратилган хоналар ички манзилларининг алоҳида ажратилган хоналарнинг қайта рақамланиши муносабати билан ўзгариши — алоҳида хона(лар)нинг бўлиниши натижасида, шунингдек, асосий иморат (бино, иншоот)нинг устига, ёнига алоҳида хона қурилиши ёки ундан ажратилиши натижасида кўп сонли алоҳида ажратилган хоналар пайдо бўлган тақдирда;

асосий иморатнинг объект геокоди ўзгаришига олиб келган ўзгариши;

манзилларнинг меъёрлаштирилиши.

3.2. Кўчмас мулк объекти манзилининг унда жойлашган асосий объект ички манзилининг ўзгариши муносабати билан ўзгартирилиши тегишли объект манзилининг ўзгартирилиши билан бир вақтда амалга оширилади.

3.3. Манзилларни етишмаётган манзиллар билан тўлдириш ва (ёки) манзил тузилмасини тартибга солиш йўли билан манзил меъёрлаштирилган тақдирда манзилни ўзгартириш, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, Кадастр агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3.4. Манфаатдор шахсларни манзилнинг ўзгартирилиши ҳақида хабардор қилиш ҳудудий филиаллар томонидан амалга оширилади.

4-боб. Манзил мавжудлигини бекор қилиш тартиби

4.1. Ер участкаси олиб қўйилиши муносабати билан объект мавжудлигининг тўхтатилиши (объектнинг бузилиши) манзил мавжудлигининг бекор қилинишига асос бўлади.

4.2. Манзил мавжудлиги бекор қилинганини аниқлаш халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман Кенгашларининг ер участкаси олиб қўйилиши муносабати билан кўчмас мулк объектини бузиш ҳақидаги қарори асосида амалга оширилиши мумкин.

4.3. Қурилган ер участкасида жойлашган барча объектлар бузилган тақдирда унинг манзили мавжудлигини бекор қилиш тегишли кўчмас мулк объектлари манзиллари мавжудлигини бекор қилиш билан бир вақтда амалга оширилади.

4.4. Кўчмас мулк объекти манзили мавжудлигини бекор қилиш ушбу объектда жойлашган барча алоҳида ажратилган хоналар манзиллари мавжудлигини бекор қилиш билан бир вақтда амалга оширилади.

5-боб. Тошкент шаҳрида Реестрни шакллантириш ва юритиш хусусиятлари ҳамда Реестрдан ахборот бериш ва унинг ахборотидан фойдаланиш тартиби

5.1. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Рақамли ривожланиш департаменти” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда маъмур деб аталади) Реестрни шакллантириш, юритиш ва ундаги ахборотнинг яхлитлиги учун масъулдир.

5.2. Маъмур Кадастр агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси билан биргаликда қуйидаги ишларни амалга оширади:

Реестрдаги манзилларнинг Ўзбекистон Республикаси Маъмурий-ҳудудий бирликлар ягона реестридаги ўзгаришлар билан, бошқа ахборот ресурслардаги ўзгаришлар билан боғлиқ ўзгаришлари мониторингини олиб боради.

Реестрда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий-ҳудудий бирликлар ягона реестридаги ўзгаришлар, бошқа ахборот ресурслардаги ўзгаришлар муносабати билан ўзгартирилиши талаб қилиниши мумкин бўлган манзилларни қайд этади.

Шартнома асосида Реестрдан фойдаланиш имконини беради ва ундан маълумот олади.

5.3. Реестрни шакллантириш ва юритиш ҳамда Реестрдан ахборот бериш ва унинг ахборотидан фойдаланиш ушбу Низомда белгиланган талаблардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1010-сон қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби

тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ амалга оширилади.

6-боб. Якунловчи қоида

6.1. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Тошкент шаҳар ҳокимининг
2021 йил 18 августдаги
165-14-0-Q/21-сон қарорига
2-илова

Тошкент шаҳрида кўчмас мулк объектлари манзилларини меъёрлаштириш (нормаллаштириш) бўйича ишларни олиб бориш тўғрисидаги

ЙЎРИҚНОМА

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 мартдаги “Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4642-сон, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 295-сон ва 2018 йил 14 декабрдаги “Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 1010-сон қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилди.

2. Мазкур Йўриқнома Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган кўчмас мулк объектлари манзилларини меъёрлаштириш (нормаллаштириш) бўйича ишларни олиб бориш тартибини белгилайди.

3. Мазкур Йўриқнома Тошкент шаҳридаги барча кўчмас мулк объектларининг манзилларига тегишлидир.

4. Ушбу Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

манзил — кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ва у ҳақида тузилган битимларнинг давлат реестрида рўйхатга олинган ёки рўйхатга олинмаган кўчмас мулк объектлари — ер участкалари, бинолар ва иншоотлар, қурилиши тугалланмаган иморатлар, шу жумладан, қурилаётган, алоҳида ажратилган жойлар, автомобиль сақлаш жойлари (чизиқли иншоотлар бундан мустасно) (кейинги ўринларда объектлар деб аталади) жойлашган

жойни бир хил идентификациялайдиган элементларнинг ноёб йиғиндиси;

манзилларни меъёрлаштириш — амалдаги манзилларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1010-сон қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги” Низом (кейинги ўринларда Ягона реестр тўғрисидаги Низом деб аталади) талабларига мувофиқ тартибга солиш;

кўча-йўл тармоғи элементлари — кўчалар, тор кўчалар, ўтиш йўллари, берк кўчалар, қияликлар, кириш йўллари, истироҳат боғлари, хиёбонлар, мавзелар, шоҳкўчалар, магистраллар, майдонлар, бульварлар, катта йўллар, соҳилбўйи, автомобиль йўллари ва шунга ўхшаш объектлар;

Тошкент шаҳрининг таркибий қисмларига оид географик объектларнинг турлари — Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2021 йил 29 январдаги “Тошкент шаҳрининг таркибий қисмларига оид географик объектларни тартибга келтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 283/32-6-сонли қарори билан тасдиқланган маҳалла, шоҳкўча, кўча, тор кўча, берк кўча, мавзе ва майдонлардан иборат.

5. Ягона реестр тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ, манзилларни меъёрлаштириш манзилларни етишмаётган элементлар билан тўлдириш ва (ёки) манзил тузилмасини тартибга солиш, шунингдек, манзил элементларини ўзгартириш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

6. Манзил тузилмаси почта коди (индекс), давлат номи (Ўзбекистон Республикаси), маъмурий-ҳудудий мансублик, ички манзил ва геокоддан иборат. Ички манзил аҳоли пунктида жойлашган кўчмас мулк объектлари учун кўча-йўл тармоғи элементи тоифаси ва номининг қисқача белгиси, кўчмас мулк объектининг рақами, иморат рақами индекси ва (ёки) унинг корпуси рақамидан ташкил топган.

7. Кўча-йўл тармоғи элементи тоифаси ва номи ўз навбатида Тошкент шаҳрининг таркибий қисмларига оид географик объектлар ҳисобланади ва ушбу географик объектларга ном бериш амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

8. Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган кўчмас мулк объектлари манзилларини меъёрлаштириш (нормаллаштириш) бўйича ишлар икки

босқичда амалга оширилади:

1-босқич: Тошкент шаҳрида жойлашган ва унинг таркибий қисмларига оид географик объектлар хатловдан ўтказилиб, уларнинг тури ва номлари Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқлаштирилади ва уларнинг географик жойлашуви аниқлаштирилади.

2-босқич: Тошкент шаҳрида жойлашган кўчмас мулк объектларининг манзиллари шаҳарнинг таркибий қисмларига оид географик объектларнинг хатлови натижаларига мувофиқ амалдаги тартибга асосан меъёрлаштирилади.

9. Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган кўчмас мулк объектлари манзилларини меъёрлаштириш (нормаллаштириш) бўйича ишлар Кадастр агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва унинг ҳудудий филиаллари, Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари, Тошкент шаҳрида жойлашган маҳаллалар иштирокида амалга оширилади.

2-боб. Тошкент шаҳрининг таркибий қисмларига оид географик объектларни хатловдан ўтказиш тартиби

10. Тошкент шаҳрининг таркибий қисмларига оид географик объектларни хатловдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда Кадастр агентлиги деб аталади) томонидан юритилаётган География объектларнинг номлари давлат реестридан Тошкент шаҳрида жойлашган географик объектлар номлари тўғрисидаги маълумотлар асос сифатида олинади.

11. География объектларнинг номлари давлат реестридаги Тошкент шаҳрининг таркибий қисмларига оид географик объектлар номлари тўғрисидаги маълумотлар Кадастр агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси, унинг ҳудудий филиаллари ҳамда Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси, унинг ҳудудий бошқармаларига уларда мавжуд шу каби маълумотлар билан таққослаш учун юборилади. Таққослаш якунлари бўйича тегишли маълумотлар умумлаштирилади.

12. Тошкент шаҳри ҳудудида мавжуд маҳаллалардан Тошкент шаҳрининг таркибий қисмларига оид географик объектлар тўғрисида маълумотлар иловада кўрсатилган жадвални тўлдириш йўли билан олинади.

13. Мазкур Йўриқномaнинг 10 ва 11-бандида кўрсатилган маълумотлар йиғилганидан сўнг, улар таҳлилдан ўтказилади ва аниқланган объектлар WGS-84 халқаро координата тизимининг очиқ координаталарини қўллаган ҳолда “QGIS 3.14.15-Pi” дастурий таъминоти орқали Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Рақамли ривожланиш департаменти” масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқилаётган Тошкент шаҳрининг электрон харитасида Кадастр агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳудудий филиаллари ҳамда Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси ҳудудий бошқармаларининг масъул ходимлари ва маҳалла раислари кўрсатилган чегаралар доирасида акс эттирилади.

14. Мавжуд географик объектлар электрон харитада акс эттирилгандан сўнг, хатлов натижалари куйидаги 4-қисмга ажратилади:

- Туман ҳудудида мавжуд ва Давлат реестрида рўйхатга олинган объектлар;

- Туман ҳудудида мавжуд эмас, аммо Давлат реестрида мавжуд объектлар;

- Давлат реестрига киритилмаган туман ҳудудида мавжуд объектлар;

- Туман ҳудудида мавжуд номсиз объектлар.

15. Хатлов бўйича тегишли далолатнома расмийлаштирилади ва хатловда иштирок этган масъул ходимлар ҳамда маҳалла раислари томонидан имзоланади.

16. Хатлов натижалари бўйича тузилган далолатнома нусхаси Кадастр агентлигига Географик объектларнинг номлари давлат реестрига тегишли ўзгартиришлар киритиш учун юборилади.

17. Хатлов жараёнида аниқланган номсиз, такрорий ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига номувофиқ номларга эга бўлган объектлар номлаш ва қайта номлаш учун тегишли туман Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссияларига таклиф тайёрлаш учун юборилади.

18. Тайёрланган таклифлар Ўзбекистон Республикасининг “География объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

19. Хатлов жараёнида географик объектларнинг жойлашуви (чегараси) аниқланади, уларнинг жойлашуви ноаниқ ёки бетартиб бўлган тақдирда, объектнинг жойлашуви қайта кўриб чиқилади.

20. География объектларнинг номи ва жойлашуви (чегараси) ўзгарган тақдирда, шу ҳудудда яшовчи аҳолининг фикри тегишли овоз бериш йўли билан инобатга олинади. Овоз бериш тартиби алоҳида қоида билан белгиланади.

3-боб. Кўчмас мулк объектлари манзилларини меъёрлаштириш (нормаллаштириш) тартиби

21. Тошкент шаҳрининг таркибий қисмларига оид географик объектлар хатловдан ўтказилгандан сўнг, манзил тузилмасининг ички манзил қисмини шакллантирувчи географик объектларнинг чегаралари кесимида ушбу объектларда жойлашган кўчмас мулк объектлари манзиллари меъёрлаштирилади.

22. Манзилларни меъёрлаштиришни манзилларни етишмаётган элементлар билан тўлдириш ва (ёки) манзил тузилмасини тартибга солиш, шунингдек, манзил элементларини ўзгартириш йўли билан амалга оширилади.

23. Манзилларни меъёрлаштириш:

манфаатдор шахснинг ташаббуси билан;

халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман Кенгашларининг қарорига кўра;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

24. Манзилларни етишмаётган манзиллар билан тўлдириш ва (ёки) манзил тузилмасини тартибга солиш йўли билан манзил меъёрлаштирилган тақдирда манзилни ўзгартириш кўчмас мулк жойлашган Кадастр

агентлигининг тегишли ҳудудий филиали томонидан амалга оширилади.

25. Манфаатдор шахсларнинг манзиллари меъёрлаштириш натижасида ўзгартирилса, бу ҳақда улар Кадастр агентлигининг тегишли ҳудудий филиали орқали хабардор қилинади.

4-боб. Якуний қоидалар

26. Мазкур Йўриқнома талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Кўчмас мулк объектлари манзилларини
меъёрлаштириш (нормаллаштириш) бўйича
ишларни олиб бориш тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМАга илова

Учтепа тумани “_____” маҳалла фуқаролар йиғини
ҳудудида мавжуд бўлган кўча (мавзе, даҳа) ҳақида
МАЪЛУМОТ

т/р	Туман номи	Маҳалла номи	Кўча (мавзе, даҳа) номи	уй-жой (кўп қаватли уйлар) сони
1	2	3	4	6
1	Учтепа тумани			
2	Учтепа тумани			
3	Учтепа тумани			
4	Учтепа тумани			
5	Учтепа тумани			